

Куч – адолатда

Аدل ила олам юзин обод қил!

2026 йил
17 июль,
жума
№ 27
(1113)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

<http://www.kuch-adolatda.sud.uz>

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

МАҲАЛЛА ОДАМЛАР УЧУН ИШОНЧ, ТАЯНЧ ВА ИМКОНияТЛАР МАРКАЗИГА АЙЛАНИШИ ЗАРУР

Президент Шавкат Мирзиёев расислигида 16 июль кунн маҳаллаларга янги муҳит олиб кириш ҳамда “маҳалла еттилиги” фаолиятини янгича ташкил қилиш бўйича видео-селектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари бу йил инфра-тузилмани яхшилаш, одамлар ва тadbиркорлар учун шароит яратиш мақсадида туманларга ўртача 250 миллиард сўмдан, маҳаллаларга эса 5,5 миллиард сўмдан маблағ берилганини таъкидлади.

Туман ҳокимлари ва маҳалла раисларининг тушум бўйича ваколатлари кенгайтирилгани натижасида ҳудудда қоладиган қўшимча даромад 2 баробаргача кўпайди. Туманларда ўртача 22 миллиард сўмдан қўшимча маблағ қолди, маҳалла бюджетига эса ўртача 150-200 миллион сўм тушди.

– Лўнда айтганда, ҳудуддаги масалаларни ҳал қилиш учун ҳокимда ҳам, маҳалла раисиди ҳам, умуман, “еттилик”нинг ҳар бир вакилида ресурс ва ваколат бор. Етишмаётган жиҳат – масъулият ва ташаббускорлик, – деди Президентимиз.

Таҳлиллар айрим маҳаллаларда муаммолар вақтида ҳал этилмаётганини кўрсатмоқда. Шу йилнинг ўзиди Халқ қабулхоналари орқали 87 та маҳалланинг ҳар биридан 200 дан ортик мурожаат келиб тушган.

Шунингдек, “Ташаббусли бюджет” дастури доирасида бу йил 7,5 триллион сўм ажратилган бўлса-да, 2 минг 136 та маҳаллада бирорта лойиҳа қолиб чиқмаган. Кичик лойиҳалар учун банклар томонидан олти ойда 18,5 триллион сўм ресурс ажратилиб, 110 мингта микролоиҳа амалга оширилган, 259 минг одам ишли бўлган. Лекин 47 та маҳаллада бор-йўғи 2 тадан микролоиҳа ишга туширилган.

Айрим туманларда лойиҳаларга камбағал оилаларни жалб қилиш даражаси пастлиги, 960 та камбағал оила яшайдиган 32 та маҳаллада бирорта ҳам эҳтиёжманд одам доимий ишга жойлаштирилмагани танқид қилинди. Шунингдек, 883 та маҳаллада банклар хонадонбай юриб, лойиҳа қилмагани, тadbиркорлар билан учрашмагани қайд этилди.

Шу сабабли йил бошидан маҳаллада ишни тўғри ташкил қилмаган 152 нафар раҳбар ишдан олинган, яна 700 нафарига имтизомий чора қўрилган.

Йиғилишда маҳаллаларда жиноятчиликни жилавлaш, аҳоли муаммоларини ҳал этиш ва “еттилик” масъулиятини ошириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари маҳалла одамлар учун чинакам ишонч, таянч ва имкониятлар марказига айланиши зарурлигини таъкидлади.

Яқинда маҳалла бошқарувини самарали ташкил қилиш бўйича Президент фармони имзоланди. Унга кўра, маҳалла раиси ижтимоий муаммоларни қайд этувчи шахсдан ўз ҳудудининг “иқтисодий буюртмачиси”га айланиши керак.

Энди ҳар бир маҳалла раиси ўз ҳудудининг иқтисодий ва ижтимоий буюртмасини шакллантиради. Бунда муаммо аниқ ҳисоб-китоб қилинади, лойиҳа тайёрланиб, масъул ташкилотларга вазифа қўйилади. Маҳаллаларда хусусий боғча, мактаб, клиника ва спорт иншоотлари қуриш учун ерни аукционга чиқариш ваколати ҳам маҳалла раисларига берилади.

Давлатимиз раҳбари маҳалла раиси ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, тозаликни таъминлаш ва даромадни кўпайтиришга хизмат қиладиган лойиҳаларда ташаббускор бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Бундай лойиҳалар учун “маҳалла еттилик”ларига 10 миллион сўмдан грант ажратилади. Ушбу мақсадлар учун жами 240 миллиард сўм ресурс шакллантирилади.

Маҳалла раиси ўз ҳудудининг ҳақиқий бошқарувчиси бўлиши шарт. У ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, ижтимоий ҳодим, профилактика инспектори, солиқчи ва маҳалла банкирининг ҳафталик ҳамда ойлик иш режасини тасдиқлаб беради, уларга аниқ вазифа қўйиб, сўров қилиб боради.

“Еттилик” фаолиятини методик қўллаб-қувватлаш ва ҳудуддаги муаммоларга илмий ёндашиш учун Маҳаллани ривожлантириш миллий институтини ташкил этилади. У “еттилик”ни ўқитади, маҳаллалардаги долзарб масалаларга илмий ечимлар ишлаб чиқади.

Йиғилишда маҳалла банкларининг иш услуби ҳам тубдан ўзгариши белгиланди. Энди банклар ҳар бир маҳалланинг “ўсиш нуқтаси”ни аниқлаб, ташаббускорларни топиши ва даромадли лойиҳаларни кўпайтириши зарур. Бундан буён битта маҳалла банкирига кўпи билан учта маҳалла бириктирилади.

Маҳалла банкларини ҳудуддаги банк миқозлари билан ишлаб, иш ўринлари ва уларга қўйилган талабни аниқлайди. Маҳалладаги ишсизларни шу касбларга ўқитиш учун бандлик бўлимига буюртма беради ва ўқиниши битирганларни ишга жойлаштиради.

Жорий йил оилавий тadbиркорлик лойиҳалари учун қўшимча 2 триллион сўм имтиёзли ресурс берилди. “Оғир” маҳаллалар учун кредит ставкаси 17,5 фоиздан 12 фоизга туширилди. Энди маҳалла банкларини ўзи топан лойиҳаси учун ушбу ресурсдан фойдаланиши мумкин бўлади.

Давлат банклари маҳаллаларни иқтисослаштириш, “Агростар” компаниялари билан бирга “етиштириш – қайта ишлаш – сақлаш – қадоқлаш – сотиш” занжирини яратиш бўйича ишлайди. Бир ойда 1 мингта маҳаллада иш бошлаш, ҳар бир маҳаллада камида 3 тадан “локомотив” лойиҳани амалга ошириш вазифаси қўйилди.

Маҳаллалар бюджетини мустаҳкамлаш бўйича ҳам янги ташаббуслар илгари сурилди. Эндиликда маҳалладаги нотураб объектлардан тушган ер ва мулк солиғининг 5 фоизи ҳам маҳалланинг ўзига берилади. Бу орқали маҳаллалар иштиёрида йилига яна 400 миллиард сўм маблағ қолади.

Йил давомида энг кўп тadbиркорларни рўйхатга олган, энг кўп янги иш ўрни яратган, тушум даражаси энг юқори бўлган ва энг кўп қўшимча солиқ базаси топан 200 та маҳаллага 2 миллиард сўмдан мукофот берилади.

Умуман, янги ташаббуслар ҳисобига маҳаллалар бюджетига тушум жорий йил 1 триллион 600 миллиард сўмга, келаси йилдан эса 2 триллион сўмга етади.

Юртимизда 2026 йил “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилинган. Шу асосда барча соҳалардаги ислохотлар натижаси, аввало, маҳаллада ва одамларнинг кайфиятида намоён бўлиши кераклиги таъкидланди.

Бу йил Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллиги “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз” деган эзгу ғоя асосида кенг нишонланади. Энг улўғ, энг азиз байрамни маҳаллаларда кўтаринки руҳда ўтказиш учун “Маҳаллада ободлик ва меҳр-саховат ойлиги” эълон қилинди.

Маҳаллада ободончилик ишларини ташкил этиш бўйича Бош вазир бошчилигида республика штаби тузилади, ҳудудий штабларга ҳокимлар раҳбарлик қилади. Бу ишлар бир ойлик акция эмас, балки йил бўйи ишлайдиган умуммиллий ҳаракатга айлантирилиши зарурлиги таъкидланди.

Меҳнатга яраша рағбат бўлиши учун йил якуни билан кўп қаватли уйлардаги “Энг ораста хонадон”, маҳалладаги “Энг файзли ҳовли”, ҳудуддаги “Энг обод кўча”, туман ва вилоятдаги “Энг намунали маҳалла” номинациялари жорий этилади.

Танлов ғолиблари бўлган кўп қаватли уйлардаги квартиралар учун мол-мулк солиғидан, ҳовли-жойлар учун эса ер солиғидан имтиёз берилади. Яхши тажриба яратган “маҳалла еттилиги” мукофотланади, уларнинг иш услуби бошқа ҳудудларга намуна қилиб кўрсатилади.

– Маҳалла – халққа энг яқин бошқарув бўғини. Одамларнинг кундалик

масалалари шу ернинг ўзиди, ортиқча оворагарчиликсиз ҳал бўлиши керак, – деди Президентимиз.

Ҳозир “еттилик” орқали 100 га яқин хизмат кўрсатилмоқда. Энди барча давлат хизматлари босқичма-босқич маҳаллага туширилади.

Маҳаллаларда ижтимоий ёрдамлар кўламини кенгайтириш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Жойларда ижтимоий реестрга киритишни асоссиз рад этиш ёки сунъий равишда реестрдан чиқариш ҳолатлари учраётгани танқид қилинди.

Оқибатда эҳтиёжманд оилалар ижтимоий ёрдам олиш, фарзандини боғча ва тўғаракка бериш каби кафолатланган хизматлардан фойдалана олмаяти. 184 та маҳаллада бир ой ичида келган 2 минг аризанинг барчаси асоссиз рад қилинган. Шу сабабли реестрга кириш масаласида Президентга мурожаатлар йил бошидан 1,5 баробар ошиб, 30 мингдан 46 мингга кўпайган.

Бош прокуратурага ижтимоий реестр тўғри юритилишини қатъий назорат қилиш топширилди. Йил якунигача ногиронлиқни эрта аниқлаш, хонадонларни мослаштириш, ижтимоий уйга жойлаштириш каби 25 турдаги хизматни маҳаллага тушириш вазифаси қўйилди.

Уч ойда деменция ва аклий заифлиги бўлган шахслар учун 250 та маҳаллада кундузги ва уйда парваршиш хизмати ҳамда “Мадад” уйлари, 75 та маҳаллада ўзгалар парварishi-га муҳтож кексалар учун “Фаол ҳаёт” дастури, шунингдек, қаровсиз қолган ва зўравонликка учраган болалар учун қўллаб-қувватлаш марказлари ташкил этилади.

Маҳаллаларда жиноятчиликни жилавлaш бўйича яратилган тизим ўз натижасини бермоқда. Сўнгги уч йилда кримноген вазияти оғир бўлган 1 минг 162 та маҳалланинг 571 тасида бу йил бирорта жиноят содир этилмади.

Жумладан, видеокамералар ўрнатиш, хавфсиз кўча ва йўлақлар ташкил қилиш, оилаларга психологик ёрдам кўрсатиш, эҳтиёжманд, ишсиз ва жиноятга мойил аҳоли қатлами билан манзилли иш олиб бориш натижасида “қизил” тоифадаги айрим маҳаллаларда жиноят содир этилмаган.

Жиноятчиликни жилавлaшга масъул илмий ташкилотлар билан бирга намунали маҳаллалар тахрибаси асосида методика ишлаб чиқилади. Йил давомида “қизил” ва “сарик” тоифадаги маҳаллалар профилактика инспекторлари ушбу методика бўйича жойига бориб ўқитилади.

Йиғилиш давомида мутасаддиларнинг ахборотлари тингланди, маҳалла вакиллари билан мулоқот қилинди.

ЎЗА

Моҳият



ЯНГИ ҚОНУН:

аҳоли эҳтиёжманд қатламларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилади

Конституциямизнинг 1-моддасида Ўзбекистон – ижтимоий давлат эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Ўтган даврда мазкур конституциявий меъёрни ҳаётга тўлақонли жорий этиш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, ушбу соҳани ягона тизимга бирлаштириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди.


Натижада ушбу соҳада кўплаб ютуқларга эришилди. Жумладан, ижтимоий ёрдам ва хизмат турлари янада кенгайди ҳамда хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди.

Бугунги кунда соҳани такомиллаштириш борасидаги ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Олий Мажлис Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлисида “Ижтимоий иш тўғрисида”ги қонуннинг сенаторлар томонидан маъқулланиши ҳам ушбу соҳадаги ислохотларнинг мантикий давоми ҳисобланади.

(Давоми 3-бетда) ►



Г. МАРУФОВА,
Олий Мажлис Сенати
Фан, таълим ва соғлиқни
сақлаш масалалари
қўмитаси аъзоси



Молиявий хизматлар

хавфсизлигини таъминлаш — давр талаби

Даврий тараққиёт натижасида банк-молия соҳасида рақамлаштириш жараёни жадал ривожланиб, фуқароларнинг банк хизматларидан фойдаланиш имкониятлари тубдан ўзгарди. Эндиликда кўплаб молиявий хизматлар мобил илова, веб-ресурс, интернет-банкнинг ва бошқа ахборот тизимлари орқали масофадан амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда) ►

Қонунчиликдаги янгиликлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид муҳим қонун лойиҳалари қизғин муҳокама қилинди.

Парламент фаолияти



Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари янада ишончли ҳимоя қилинади

Мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда чет эл фуқароларига виза бериш ва уларни рўйхатга олиш тар-

тибининг соддалаштирилиши, туризм соҳасини ривожлантириш учун имтиёз ва преференциялар берилиши натижасида республикамизда кириб келаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг сони ортиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда) ►

ЖАМИЯТМИЗ МАҚСАДИ



Адолат мезони: ҚОНУНИЙЛИК ВА ИНСОН КАДРИ

Адолат – давлатнинг мустаҳкам маънавий пойдевори ва ҳуқуқий устунидир. Шу маънода, юртимизда судларни чинакам адолат кўргонига айлантириш йўлидаги кенг кўламли ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Натижада

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Судьялар қонунларнинг толмас ҳимоячилари, адолатнинг мустаҳкам устунлари бўлиши лозим” деган сўзлари жамиятимиз ҳаётида тобора ўзининг ёрқин ифодасини топиб бормоқда.

Янги Ўзбекистонга хосшиддатли суд-ҳуқуқ ислохотлари самараларини Сирдарё вилояти судлари фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, 2026 йилнинг дастлабки 6 ойи мобайнида

65 нафар шахс озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланиши муносабати билан суд залида қамоқдан озод қилинди.

Шунингдек, 613 нафар

(Давоми 2-бетда) ►



Ўлмас УМАРБЕКОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Қизимга мактублар

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Орадан икки-уч кун ўтди. Файзулла ака молларга емиш бераётган пайтим, ортимдан молхонага кириб, кўлимга ўзимнинг паккимни,

тахи бузилмаган рўмолчамни, кейин битта қоғоз пакетда икки стакан листа тутқазди. Пакетнинг устида беш сўм пул ҳам турарди.

(Давоми 4-бетда) ►

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар

◄(Бошланиши 1-бетда)

Бироқ айрим чет эл фукаролари ва доимий равишда бошқа давлатлар ҳудудида яшаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома олмаган ҳолда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳолатлари қузатилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш киритилмоқда. Ўрни республикамиз ҳудудида бўлиб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан меҳнат фаолиятини амалга

ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома олмаган ҳолда меҳнат фаолияти билан шуғулланганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Шунингдек, тасдиқномада белгиланмаган меҳнат фаолияти билан шуғулланганлик учун жавобгарлики белгилаш ҳамда ушбу турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини Давлат меҳнат инспекцияси, ички ишлар органлари ва жиноят ишлари бўйича судларга берилиши таклиф қилинмоқда.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Прекурсорларнинг муомаласига оид қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда

Мажлисда прекурсорларнинг муомаласига оид қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик белгилашга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда гиёҳвандлик ва уюшган наркотиқчиликка қарши курашиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бироқ яширин нарколабораторияларда синтетик гиёҳвандлик воситаларини тайёрлашда прекурсорлардан фойдаланиш ҳолатлари ортиб бораётгани ушбу соҳада ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Амалдаги қонунчиликда прекурсорларнинг муомаласига оид қоидаларни бузганлик учун алоҳида жавобгарлик назарда тутилмагани айрим ҳуқуқбузарликларнинг ҳуқуқий баҳосиз қолишига сабаб

бўлмоқда. Қонун лойиҳаси айнан ушбу бўшлиқни бартараф этишга қаратилган.

Шу боис мазкур қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга прекурсорларнинг муомаласига оид қоидаларни бузганлик учун маъмурий жавобгарликини белгилловчи янги норма киритилмоқда. Шунингдек, ушбу ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг тақдоран содир этилишига оид ҳолатлар учун Жиноят кодексига жиноий жавобгарлик белгиланиши назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ушбу тоифадаги ишларнинг тегишлилиги ва уларни кўриб чиқиш ваколатларини аниқ белгилашга қаратилган ўзгаришлар киритилмоқда.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.



Меҳнат муносабатлари рақамлаштирилади

Депутатлар меҳнат муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқишди.

Мазкур ҳужжат меҳнат муносабатларини расмийлаштиришни соддалаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда ходимларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган.

Хусусан, ишга қабул қилишда талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати қисқартирилмоқда. Ўрни таклиф этилаётган тартибга кўра, фуқарони ишга қабул қилишда асосан унинг шахсий идентификация рақами талаб этилади. Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар эса, ҳарбий гувоҳнома ёхуд ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳнома тақдим этади.

Шу билан бирга, меҳнат муносабатларини рақамлаштиришга алоҳида эъти

бор қаратилмоқда. Эндиликда, электрон рақамли имзо ёки биометрик идентификация (Face-ID) орқали тасдиқланган ҳужжатлар юридик жиҳатдан қўлда имзоланган ҳужжатлар билан тенглаштирилмоқда.

Қонун лойиҳасида меҳнат жараёнида тазйиқ ва зўравонликка қарши курашишга доир нормалар ҳам ўз аксини топган. Жумладан, бундай ҳолатларни тақиқлаш, уларнинг олдини олиш ва жабрланган ходимларни ҳимоя қилиш чоралари белгиланмоқда.

Бундан ташқари иш берувчи томонидан иш ҳақи тўлаш муддати бузилган тақдирда, ҳар бир кечиктирилган кун учун пуллик компенсация тўлаш тартиби аниқлаштирилмоқда.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ

◄(Бошланиши 1-бетда)

Яна 368 нафар шахсга нисбатан дастлабки тергов органлари томонидан асоссиз равишда қўйилган моддалар айбловдан чиқариб ташланди ёки қайта малакаланди.

Бундан ташқари юқори инстанция судларида 481 шахсга нисбатан 369 та жиноят иши кўриб чиқилди. Шундан 18 нафар шахсга нисбатан биринчи инстанция судлари томонидан чиқарилган қарорлар бекор қилиниб, 67 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилди.

Айниқса, дастлабки терговда қилмиши нотўғри малакаланган ёки муқаддам ноҳақ айбланган шахсларнинг оқланиши даражаси ортмоқда. Бу ҳам бўлса, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсати ҳамда “Инсон қадрини ҳимоя қилишнинг амалдаги яққол намунаси

Модомики, гап оқлов ҳукмлари ва ажримлари хусусида борар экан, бунда судья масаланинг ҳамма жиҳатига эътибор қаратиб, тарафларни атрофлича эшитиб, ҳар бир ҳолат ва далилни синчиқлаб ўрганиб, сўнг барчасини адолат тарозисига қўйган ҳолда қарор қабул қилишини алоҳида эътироф этиш лозим. Келинг, мисол тариқасида бир жиноят ишига эътибор қаратайлик.

Фуқаро Александр Коваленко (исм-шарифлар ўзгартирилган) Янгиер шаҳар деҳқон бозорида сув ва салқин ичимликлар идишини (бакалалашка) тегиб юрган маҳали савдо дўкони олдидаги ўриндиқда қаровсиз қолдириб кетилган “Redmi A2+” русумли уяли алоқа воситасига кўзи тушади. Сўнгра телефонни олиб, чўнтагига солади.

Унинг мақсади йиққан идишларини қабул пунктига топширгач, телефонни ҳудуддаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ходимларига элтиб бериш эди. Бироқ ҳали ишларини битирмасидан А.Коваленкони ушлаб кетишади. Маълум бўлишича, фуқаро Султонкул Мамадқаримовга тегишли ушбу уяли телефон нархи 1 миллион 800 минг сўм экан.

Шундан сўнг А.Коваленкога нисбатан Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан жиноят иши кўзғатилади. Тергов жараёни яқунлангач, иш судга юборилади.

Таъкидлаш лозимки, судда А.Коваленкoning ўғирлик қилмагани аён бўлди. Судланувчи чиндан ҳам, ишларини битиргач, телефонни қонун ҳимоячиларига топшириб кетишни кўзлаганини билдирди. Жабрланувчи Султонкул Мамадқаримов ҳам бир нечта маҳалладошлари билан ўриндиқда суҳбатлашиб ўтирган пайтда телефонини унутиб қолдирганлигини маълум қилди.

Энг муҳими, тасодифан топилган буюм (топилма) талон-торож қилиш предмети бўла олмайди. Ўрни А.Коваленкoning ўриндиқда унутиб, қаровсиз қолдириб кетилган, қолаверса, қўрилганмаётган ёки кимнингдир эгаллигиде бўлмаган ашёни тасодифан топиб олган ҳолда келгусида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага топшириш

◄(Бошланиши 1-бетда)

Бироқ бундай хизматлар кенгайгани сари ахборот хавфсизлиги, киберхавфсизлик ва фрод ҳолатлар, яъни ахборот технологияларидан фойдаланиб, содир этиладиган фибрибгарлик ва ўғирлик жиноятларининг олдини олиш масалалари ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки мобил иловалар, онлайн кредитлар, электрон ҳамёнлар, банк карталари ва P2P ўтказмалари орқали амалга оширилаётган операцияларда фибрибгарлик хавфи ҳам ортиб бормоқда.

Мисол сифатида ижтимоий тармоқларда эълон қилинган баъзи хабарларга мурожаат қиламиз. Жумладан, Арнасой туманида номаълум шахс “Click” тизими орқали компьютер тизимига рухсатсиз кириб, фуқаронинг банк пластик картасидан 14 миллион сўмни талон-торож қилган. Дастлабки суриштирув ва тергов чоғида пул гумонланувчи ҳамда бир танишининг пластик картасига ўтказилганлиги аниқланган.

Ёки Фарғона вилоятида бир гуруҳ шахслар “My Tugon” мобил иловасидаги техник хатоликдан фойдаланиб, пластик карталар орқали

●Жамиятмиз мақсади

Адолат мезони:

мақсадида яшириб қўйганлигида ўғирлик жиноятининг зарурий белгилари мавжуд, деган асосли хулосага келиб бўлмайди.

Чунки ички ишлар идораси ходимлари дўконлардаги видеотасвирларни текшириш орқали телефонни А.Коваленко олганлиги ҳолатини аниқлаб, уни расмийлаштирганликлари ўртасидаги вақт тафовути қисқа. Бу вақтда А.Коваленко телефонни яшириб қўйган жойидан олиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага топширишга улгурмаган. Бундай ҳолатда ўғирлик жиноятининг на объектив, на субъектив белгилари мавжуд эмас.

Шу маънода, тергов органи унинг хатти-ҳаракатларини Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан малакалаб, нотўғри айблов эълон қилган. Ана шу асосларга таянган жиноят ишлари бўйича Янгиер шаҳар суди А.Коваленкони айбсиз деб топиб, оқлади.

Шунинг баробарида унга етказилган мулкий зиённи қоплаш ҳамда маънавий ва бошқа зиён оқибатларини тегишли тартибда бартараф қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 62-моддасига мувофиқ, топиб олинган ёки тасодифан қўлига тушиб қолган қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан ортиқ бўлган ўзганинг мол-мулкни яшириш базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Бинобарин, А.Коваленкони маъмурий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш учун жиноят ишдан тегишли ҳужжатлар ажратилиб, Янгиер шаҳар прокуратурасига юборилди.

Тизимда узок йиллар ишлаб, айна пайтда кесалик гаштини сураётган суд фахрийлари, бой тажрибага эга устозлар шоғирдларга бир жиҳатни қайта-қайта уқтириб келадилар: “Ўз устингизда шундай ишлангки, қарорингиз ҳам қонуний, ҳам адолатли бўлсин!”

Бу каби ибратли панду ўғитлар судьялар фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, вилоят судлари томонидан 2026 йилнинг ўтган 6 ойи давомида бир нечта шахсларга нисбатан қонун санкциясида кўрсатилганидан камроқ жазо тайинланганлиги ёки жазо енгилроғи билан алмаштирилгани бежиз эмас.

Бу каби жиҳатлар давлатимиз сиёсатининг кечиримлилик, инсонпарварлик тамойилларига хос ва мосдир. Зеро, ярашиш, келишиш ва кечиримли бўлиш халқимиз қадриятларига хос фазилатлардан ҳисобланади. Мана шундай яхшиликка ўндовчи урф-одатлар судлар томонидан ишларни кўриш

банк ҳисобидан жами 698 миллион 689 минг сўмни ўзлаштирган. Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўғирлик йўли билан ўзлаштирилган ана шу маблағлар тергов органларининг ҳаракати билан ўз ўрнига қайтарилган.

Бу ҳолат бўйича айблов ҳукми билан 5 нафар судланувчи Жиноят кодексининг 169-моддаси 3 ва 4-қисмлари билан уч йил олти ойдан беш йил олти ойгача муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Энг муҳим вазифа — ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилиши мум-



қонунийлик ва инсон қадри

жараёнида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Жорий йилнинг биринчи ярмида 178 нафар шахсга нисбатан жиноят иши Жиноят кодексининг 66'-моддасига асосан, тарафлар ярашганликлари муносабати билан тугатилганлиги ҳам бу фикримизни исботлаб турибди.

Жумладан, 2026 йил 28 январда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамда “Энергосавдо” акциядорлик жамияти Боёвут туман бўлими ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган рейд тадбирида 60 ёшли Зарифа Халилова Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги қарори билан тасдиқланган “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидалари”га зид равишда хонадонига ўрнатилган электрон ҳисоблагичдан ташқари яширин равишда электр тармоғига ўзошимчалик билан тўғридан-тўғри уланиб, умумий қуввати 3,5 кВт бўлган кондиционердан фойдаланиб келганлиги аниқланган.

Натижада унинг Боёвут тумани электр таъминоти корхонасига етказган зарари 52 миллион 980 минг сўмни ташкил қилган. Шу боис, З.Халиловага нисбатан Жиноят кодексининг 185'-моддаси 2-қисми билан жиноят иши кўзғатилаган.

Тергов жараёнида З.Халилова электр таъминоти корхонасига етказган зарарини қоплаган. Бинобарин, у суд мажлисида айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, фуқаровий даъвогар билан ўзаро ярашиб олганлиги сабабли жиноят ишини ярашув асосида тугатишн сўради. Ўз навбатида, туман электр таъминоти корхонаси вакили ҳам унинг фикрларини тасдиқлаб, судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини маълум қилган ҳолда ярашувга розилигини билдирди.

Жиноят кодексининг 66'-моддасида ушбу кодекснинг 185'-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс ўз айбига иқрор бўлиб, фуқаровий даъвогар билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги қайд этилган. Жиноят процессуал кодексининг 84-моддасига биноан, фуқаровий даъвогар Жиноят кодексининг 66'-моддасида назарда тутилган жиноятларга оид ишлар бўйича айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда, жино-

ят иши суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмай тугатилиши мумкинлиги белгиланган. Шунга кўра, суд З.Халиловага нисбатан кўзғатилган жиноят ишини ярашув актига асосан тугатиш тўғрисида ажрим чикарди.

Яна бир эътиборли масала. Шу йил 8 июнда давлатимиз раҳбари томонидан “Судларда комплеанс назорат тизими самарадорлигини оширишнинг кўсимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармоннинг имзолангани тизимда коррупциявий ҳолатларни бартараф этиш ишларини янги босқичга олиб чиқишга замин яратди. Албатта, бундан кўзланган асосий мақсад — судларда коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни барвақт бартараф этиш, суд аппарати ходимларини ишга қабул қилиш жараёнини шаффоф тартиб-таомиллар ва очиқ танловга асосланган тарзда ташкил этиш, уларнинг салоҳияти, иқтидори, касбий сифатлари ҳамда алоҳида хизматларини одилона ва ҳаққоний баҳолаш (меритократия) асосида касбий ўстириш, суд тизимига жамоатчилик ишончини мустаҳкамлаш ва суднинг нуфузи ва обрўсини ошириш, суд органларини Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислохотларнинг кўмакчисига айлантиришдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари судларнинг мустақиллиги, адолатли қарорлар қабул қилиниши ва инсон ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини таъминлашга хизмат қилмоқда. Оқлов ҳукмларининг кўпайиши, асоссиз айбловларнинг бартараф этилиши, жазоларни инсонпарварлик тамойиллари асосида қўллаш ҳамда ярашув институтининг самарали ишлаётгани судларда қонунийлик ва адолат устуворлигини янада мустаҳкамламоқда.

Энг муҳими, ҳар бир ишни кўриб чиқишда инсон тақдирига алоҳида эътибор қаратилаётгани, суд қарорлари қонун талаблари билан бирга адолат мезонларига ҳам таянаётгани халқнинг судларга бўлган ишончини оширмоқда. Бу эса, Янги Ўзбекистонда “Инсон қадрини ҳимоя қилишнинг алоҳида амалий ифодаси бўлиб, судларни ҳақиқий адолат кўрғонига айлантириш йўлидаги ислохотлар изчил давом этаётганидан далолат беради.

Фаррух АБДУРАИМОВ,

Сирдарё вилояти суди раиси

Долзарб мавзу

Молиявий

вий хизматлар кўрсатиш жараёнида кредит ва тўлов ташкилотлари, тўлов тизими операторлари риоя қилиши лозим бўлган минимал хавфсизлик талаблари белгилаб берилди.

Гап шундаки, фойдаланувчининг телефон рақами ёки банк картаси маълумотлари учинчи шахслар қўлига тушиши, ОТР кодлар алдаш йўли билан олиниши, мобил қурилмага зарарли дастур ўрнатилиши, шахс номига онлайн кредит расмийлаштирилиши ёки аккаунтга рухсатсиз кириш ҳолатлари юз бераётгани хавфсизлик талабларини жорий этишнинг тақозо қилмоқда. Шунинг учун масофадан молиявий хизматлар кўрсатиш фақат техник қулайлик эмас, балки юқори даражадаги ахборот хавфсизлиги билан бирга ташкил этилиши давр талабидир.

Ахборот хавфсизлиги — ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати саналади. Кибер-

хавфсизлик эса, кибермаконда ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганликини англатади. Молиявий хизматлар рақамли мухитга кўчган шароитда ушбу икки тушунча банк тизимининг барқарорлиги ва фуқароларнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилишда асосий ўрин тутаети.

Низомда кредит ва тўлов ташкилотлари масофадан молиявий хизматлар кўрсатишда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талаблари бузилган ҳолатлар тўғрисида Марказий банкка зудлик билан ёзма ёки электрон шаклда маълумот бериши лозимлиги белгиланган. Бу талаб молиявий ташкилотларнинг масъулиятини оширади ва хавфли ҳолатлар бўйича назорат меҳанизмларини қучатиришга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, масофавий молиявий хизматларда энг муҳим босқичлардан бири — фойдаланувчини тўғри идентификация ва аутентификация қилишдир.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мазкур қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2023 йил 1 июнда қабул қилинган **“Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Фармонида белгиланган вазифалар ижроси доирасида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан ишлаб чиқилганини таъкидлаш лозим.

Янги қонунда, хусусан, ижтимоий иш, ижтимоий ёрдам, ижтимоий хизматлар, ижтимоий ходим, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахс, оғир ижтимоий вазият, аҳамиятга эга бўлган ахборот, ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдамдан фойдаланувчилар каби асосий тушунчаларга таъриф берилмоқда.

Қонунга кўра, ижтимоий иш тиббиёт, таълим, ижтимоий ҳимоя, бандлик, суд ва ҳуқуқ-тартибот, жазони ижро этиш соҳаларида ташкил этилади.

Ижтимоий иш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи этиб Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги белгиланмоқда. Агентликка:

- ижтимоий иш соҳасидаги ягона давлат сиёсати ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар ва оилаларни аниқлаш ҳамда уларнинг ҳисобини юритиш, уларга тегишли ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш;

– аҳолининг ижтимоий иш тўғрисидаги ҳамда ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш шартлари ҳақидаги хабардорлигини ошириш;

– ижтимоий иш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда ушбу соҳадаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

– ижтимоий иш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари қамраб олинмаганлиги юзасидан тақдимнома киритиш, қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузган шахсларга нисбатан зарур ҳолларда интизомий, маъмурий ва бошқа жавобгарлик чораларини қўллаш юзасидан таклифлар киритиш;

– жисмоний ва юридик шахслар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан, хорижий ташкилотлар, шунингдек, республика ижро этувчи ҳокимият органлари билан ижтимоий иш соҳасида ҳамкорлик қилиш каби қатор муҳим ваколатлар берилмоқда.

Шунингдек, янги қонунда Вазирлар Маҳкамаси, республика ижро этувчи ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларнинг ижтимоий иш соҳасидаги ваколатлари белгиланмоқда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахсларнинг

ижтимоий иш соҳасидаги фаолиятда иштирок этиши қайд этилмоқда.

Шунингдек, янги қонун билан ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам 3 та даражага бўлинмоқда. Булар: бирламчи, ихтисослашган ҳамда юқори ихтисослашган даражалардир.

Бирламчи ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам оғир ижтимоий вазиятни эрта аниқлашга ҳамда унинг олдини олишга қаратилган, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга (оилаларга) оғир ижтимоий вазиятни енгиб ўтишда маҳалла даражасида кўрсатиладиган қисқа муддатли ҳаракатлар мажмуидир.

Ихтисослашган ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам ижтимоий иш соҳасидаги мутахассисларнинг келишилган чоралари натижасида ижти-



мой ҳимояга муҳтож шахсларнинг (оилаларнинг) индивидуал қobiliятларини ривожлантиришга, уларни доимий ёки даврий равишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали оғир ижтимоий вазиятни енгиб ўтишга қаратилган ҳаракатлар мажмуи ҳисобланади.

Юқори ихтисослашган ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам эса, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга (оилаларга) муассасада ёки мобиль гуруҳ томонидан уйда доимий тиббий-ижтимоий хизматлар, шу жумладан, парваришlash хизматлари кўрсатишга қаратилган ҳаракатлардир.

Янги қонунда ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш жойлари аниқ қилиб белгиланмоқда. Унга кўра, ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам:

биринчидан, ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдамдан фойдаланувчининг яшаш жойида, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали;

иккинчидан, ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдамдан фойдаланувчининг маҳалласида;

учинчидан, ижтимоий хизматлар кўрсатувчиларнинг муассасаларида, шу жумладан, стационар муассасаларда кўрсатилади.

Бундан ташқари ижтимоий хиз-

матлар ва ижтимоий ёрдам кўрсатувчи субъектлар доираси белгиланмоқда. Яъни ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам: давлат органлари, ташкилотлари ва муассасалари; нодавлат нотижорат ташкилотлари; тадбиркорлик субъектлари ҳамда жисмоний шахслар томонидан кўрсатилади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахс (оила) бир қатор омиллар асосида аниқланади. Бу ўринда шахснинг (оила) даромади, яшаш шароитлари, бандлиги ва бошқа кўрсаткичларининг таҳлили; жисмоний ва юридик шахслар томонидан берилган ахборот; оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган хабар ва материаллар; ижтимоий ҳимояга муҳтож шахснинг (оиланинг) мурожаати назарда



тутилмоқда.

Махсус ваколатли давлат органининг туман (шаҳар) «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари, республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари ёки жисмоний шахслар томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож шахс (оила) аниқланади ва улар томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож шахс (оила) деб топиш ишлари амалга оширилади.

Ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун:

- ижтимоий ҳимояга муҳтож шахснинг (оиланинг) ёки унинг қонуний вакилининг мурожаати;
- ижтимоий ҳимояга муҳтож шахснинг (оиланинг) ёки унинг қонуний вакилининг ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш шартларига розилиги асос бўлади.

Айни асосларга кўра, ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам ижтимоий шартнома орқали кўрсатилиши мумкин. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахснинг (оиланинг) розилигини талаб қилмасдан ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам кўрсатилади.

Шахснинг (оиланинг) турмуш да-

ражасидаги оғир ижтимоий вазиятни енгиш учун ички имкониятлари мавжуд бўлган ёки оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолмаган, шу жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахс (оила) деб топилмаган (ҳисобга олинмаган) тақдирда, ушбу шахсга (оилга) ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам кўрсатилмайди.

Шунингдек, ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдамдан фойдаланувчига кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдамнинг тугатилиши учун:

- унинг ижтимоий ҳимояга муҳтож шахс (оила) сифатидаги ҳолатни енгиб ўтганлиги;
- ижтимоий шартнома шартларига риоя этмаганлиги;
- ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам кўрсатилишини рад этганлиги;
- Ўзбекистон Республикасидан ташқарига доимий яшаш жойига кўчиб ўтганлиги;
- вафот этганлиги;
- аҳамиятга эга бўлган ахборотнинг нотўғрилиги, қалбакилиги ёки бошқа шахсга тегишлилиги аниқланганлиги;
- унинг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазога ҳукм қилинганлиги, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- ижтимоий хизматлардан фойдаланишга доир чекловлар бўйича қарор ёки суднинг ҳукми қонуний кучга кирганлиги асос бўлади.

Бундан ташқари янги қонунда ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятни молиялаштириш манбалари аниқ белгиланган. Ушбу манбалар: Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари; махсус ваколатли давлат органи ҳамда бошқа ижтимоий хизматлар кўрсатувчиларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари; ижтимоий хизмат кўрсатилишидан олинадиган даромадлар; нодавлат нотижорат ташкилотларининг, тадбиркорлик субъектларининг, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари; қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан иборат.

Ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдамдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек, ижтимоий ходимнинг вазифалари ва мажбуриятлари, мақоми, ижтимоий муҳофазаси, одоб-ахлоқ қоидалари, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари, фаолиятига доир чекловлар каби масалалар қонунда батафсил ва аниқ белгиланмоқда.

Мухтасар айтганда, ушбу қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий иш соҳасидаги муносабатларнинг тартибга солинишига, аҳолини эҳтиёжманд қатламларига ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими шакллантирилишига ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилишига хизмат қилади.

Мезон

Эрнинг аёли олдидаги мажбурияти – нафақат маънавий бурч, балки қонун талаби ҳамдир



Тасаввур қилинг, эр-хотин ўзаро келишмовечлик ёки бошқа сабабларга кўра, маълум вақтдан буён бирга яшамаяпти. Аёл ҳомиладор. Ана шундай вазиятда, бўлажак она, гарчи ҳали фарзанди туғилмаган бўлса ҳам, турмуш ўртоғидан ҳомиладорлик даврида ўзининг таъминоти учун алимент ундириши мумкин. Чунки қонун талаби шундай.

Яқинда фуқаролик ишлари бўйича Ғаллаорол туманлар аро судида айни шу мазмундаги иш кўриб чиқилди. Фарида Холмуродова (исм-шарифлар ўзгартирилган) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар Зойирбек Рустамов билан 2025 йил октябрь ойида қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини, бироқ ҳозирда иккиси бирга яшамаятгани, айни вақтда ҳомиладор эканлиги сабабли меҳнат қилиш имконияти йўқлигини маълум қилган ҳамда турмуш ўртоғи унинг таъминоти учун моддий ёрдам бермаётгани боис ундан ҳар ойда 2 миллион сўмдан алимент ундириб беришни сўраган.

Туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси мутахассисларининг текширув хулосаларига кўра, даъвогар ҳақиқатан ҳам, олти ойлик ҳомиладор эканлиги маълум бўлган. Ўз навбатида, Зойирбек Рустамов даъвои тан олмай, ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда эр-хотин бирга яшамаятганини билдирган. Айни чоғда, бир ойда ўртача 6-7 миллион сўм даромад қилишини, агар аёли у билан бир оила бўлиб яшаса, таъминот беришини, акс ҳолда, алимент тўлашга қарши эканлигини баён қилган.

Хўш, бундай вазиятда қонун талаби нимадан иборат? Бунга жавобан айтиш кераки, Оила кодексининг 117-моддасига кўра, эр-хотин бир-бирига моддий ёрдам бериши шарт. Бундай ёрдам беришдан бош тортилган тақдирда, ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотин, шунингдек, хотин ҳомиладорлик даврида ва ўртада

Хулоса қилиб айтганда, қонунларимиз инсонийлик тамойиллари, миллий ва умулминсоний қадриятлар мезонларига таянади. Бунда ҳуқуқ объектига тааллуқли ҳеч бир ҳолат эътибордан четда қолмайди.

Жасуриддин АБДУСАТТАРОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Ғаллаорол туманлараро суди раиси

Эҳтиёт бўлинг, фирибгар!

ИШОНЧГА КИРГАН

АЛДОҚЧИ темир панжара ортига равона бўлди



Бугунги кунда ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлиш кўпчилик учун ҳаётий заруриятга айланган. Кимдир ишга бориш-келиш, кимдир оилавий эҳтиёж, яна бошқа биров касб таъзоси билан автомобилга зарурат сезади. Аммо шунинг унутмаслик кераки, автомобиль бошқариш оддий ҳоҳиш эмас, балки катта масъулият талаб этади.

(Давоми 4-бетда) ►

Хизматлар

хавфсизлигини таъминлаш — давр талаби

Идентификация фойдаланувчининг шахсини аниқлашга қаратилган бўлса, аутентификация ушбу шахс, ҳақиқатан ҳам, тизимга кириш ҳуқуқига эга эканини тасдиқлаш жараёнидир.

Агар ушбу жараёнлар талаб даражасида ташкил этилмаса, фирибгарлар бошқа шахс номидан мобил иловага кириши, банк картасини бириктириши ёки онлайн кредит расмийлаштириши мумкин. Шу сабабли, Низомда рўйхатдан ўтиш, банк картасини бириктириш, аккаунтга кириш, паролни тиклаш ва бошқа курилмадан кириш жараёнлари алоҳида хавфсизлик талаблари асосида амалга оширилиши белгиланган.

Масалан, фойдаланувчининг телефон рақами ва жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами мос келиши текширилиши, мувофиқлик аниқланмаган тақдирда, мобил иловада рўйхатдан ўтиш ёки банк картасини би-

риктиришга йўл қўйилмаслиги керак. Шунингдек, банк картасини мобил иловага бириктириш алоҳида OTP код ва биометрик идентификация орқали амалга оширилиши лозим.

Бу талаблар мижоз шахсини аниқлашда бир нечта ҳимоя қатлами яратади. Яъни фақат телефон рақами ёки пароль етарли бўлмайди, балки шахснинг биометрик тасдиғи, қурилма маълумотлари ва бир марталик кодлар ҳам талаб этилади.

OTP код — бир марталик тасдиқлаш коди бўлиб, у фақат битта аутентификация сессияси ёки битта амалий операция учун мўлжалланади. Унинг асосий вазифаси — операцияни, ҳақиқатан ҳам, фойдаланувчининг ўзи бажараётганини тасдиқлашдан иборат.

Молиявий хизматлар хавфсизлигини таъминлашда фақат банк ёки тўлов ташкилоти эмас, балки фойдала-



нувчининг ўзи ҳам муҳим ўрин тутати. Шунинг учун Низомда мобил иловада “Фирибгарлик ҳақида хабар бериш” номли алоҳида бўлим жорий этилиши шартлиги белгиланган.

Масофадан онлайн кредит ёки микроқарз ажратиш жараёнида фрод ҳолати содир бўлиб, фуқаро номига унинг розилигисиз кредит расмийлаштирилса, бундай вазиятда фуқаро ички ишлар органларига ариза билан мурожаат қилади. Ички ишлар органлари ушбу ариза асосида терговга

қадар текширув, суриштирув ёки дастлабки тергов ҳаракатларини амалга оширади.

Агар текширув натижасида онлайн кредит фрод ҳолати натижасида расмийлаштирилган аниқланса ва фуқаро жабрланувчи деб эътироф этилса, тегишли қарор кредит ташкилотига юборилади. Низомга кўра, кредит ташкилоти ушбу қарор қилиб тушган кундан бошлаб, онлайн кредит ва у билан боғлиқ фойзалар, неустойка, жарималарни ҳисоблашни ҳамда жабрланув-

чидан ундиришни тўхтатади.

Агар жабрланувчидан онлайн кредит билан боғлиқ тўловлар ундирилган бўлса, улар суд қарори ёки ажрими асосида фуқаронинг банк картасига ёки у кўрсатган ҳисобвараққа қайтарилади.

Бу тартиб фуқароларнинг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим кафолат ҳисобланади.

Шербек ШОДИЕВ,
«Анорбанк»нинг
Уруғт тумани филиали
юрисконсулти

◀ (Бошланиши 1-бетда)

— Қаердан топдингиз? — сўрадим суюниб.

— Кўявер, — деди Файзулла ака кулиб. — Шу пакки, дастрўмол сени-кими?

— Ҳа, — дедим.

— Бўпти. Энди «Искра» киносида сенга ҳеч ким тегинмайди.

У шундай деб, пакетдан ҳовучига озгина писта тўкиб солди-да, қусурлатиб чақиб, молхонадан чиқиб кетди.

Мен ҳам Файзулла акани жуда ҳурмат қилардим. Аммо орамизда қандайдир бир тўсиқ бор эдики, бир-биримиз билан самимий, қариндошлардек яқин, очиқ муносабатда ҳеч қачон бўлолмадик. Биламан, Файзулла ака кўп шунга ҳаракат қилди-лар. Мен ҳам. Аммо яқинлаша олмадик.

«Ўзбекфильм» киностудиясида ишлаб юрган пайтим, бирдан у киши келиб қолди. Секретарь қиз кириб, яқин қариндошим зарур иш билан келганини айтди. Киритишини сўраб, ортидан нимадандир хавотир олиб, ўзим қабулхонага чиқдим.

Эшик очилди, рўпарамда баланд бўйли Файзулла акам озғилари тўла тилла тишларини кўрсатиб, кулиб турарди.

Юзларида кулги бўлгани сабабли кўнглим жойига тушди. Ичкарига олиб кириб, ўтқаздим.

— Келинг? Тинчликми?

Файзулла ака бирдан ўзгардилар. Юзлари жиддий ва ташвишли тус олди.

— Ресторанда ишлайдиган жиянинг қамаладиган бўлиб қолди. Ёрдам сўраб келдим, — дедилар кўзларига ёш олиб.

Гавдали бўлишига қарамай, у кишининг кўз ёши бурнининг учига турарди.

— Нима бўлди?

Ҳозир суҳбатимизнинг тафсилоти-га ҳожат йўқ. Ўғилларига катта айб қўйилган. Мен ресторан раҳбарлари, район ижроқўмидаги танишларим билан гаплашиб кўришни ваъда қилдим. Файзулла ака рад қилди.

— Фойдасиз. Иш терговда. Терговчи билан гаплашиш керак.



Тарих тилсимлари

У киши терговчининг исми, фамилияси, телефони ёзилган қоғозни олдимга қўйдилар.

— Катта одамсан. Ҳамма сени танийди. Бир оғиз сўзинг. Терговчи қанча деса, бераман. Йигирма минг, ўттиз минг!..

Бодомзорда ўғлим участка солган. Шуни ҳам сотиб бераман. Терговчи билан гаплаш, жон ука.

Мен ғалати бўлиб кетдим. Умримда бирон марта ўртага пул қўйиб, бирон ишни ҳал қилмаганман, бировга пора ҳам бермаганман, пора ҳам олмаганман. Мени билмаган терговчи билан қандай гаплашаман? Менинг ҳақимда, яққаю ягона «Ўзбекфильм» киностудиясининг директори ҳақида қандай ўйлади у?

— Файзулла ака, кечиринг, мен бу ишни қилолмайман, — дедим. — Бундай қилиш қўлимдан келмайди.

Файзулла ака оғир жилмайди ва хайрлашиб чиқиб кетди. Шу сўнгги учрашув шундай ҳам яқин бўлмаган муносабатимизга нуқта қўйди. Кўришмайдиган бўлиб кетдик. Қаёқдадир, олис сафарда юрганимда, оламдан ўтганини эшитдим. Ажойиб, камтар, хушмуомала хотини бор. Келин-иймини, Сайдулла, Сайфуллаларни ҳурмат қиламан. Одамнинг қўлидан келадиган, виждони йўл қўйиб, ҳал

қиладиган, айна чоғда бутун вужуди билан қабул қила олмайдиган ишлари бўлади. Мен ўшанда терговчи билан гаплашишдан воз кечганимни Файзулла ака уйдагиларга қандай тушунтирди, билмайман. Бунинг ҳозир аҳамияти йўқ. Жойи жаннатда бўлсин. Келинойим, Сайдулла, Сайфуллалар соғ-саломат бўлишсин, узоқ умр кўришсин.

Ойим, холам томонидан урушга кетиб, соғ-саломат қайтиб келган қариндошларимиздан бири Обид тоғам бўлади. Обид тоғамнинг бешта ўғли бор. Ҳаммаси ҳаётда ўз йўлини топиб олган, турмушлари яхши, ўзига тўқ одамлар. Мен улар ҳақида эмас, Обид тоғам ҳақида озгина билганларим, кузатганларимни сенга ёзиб қолдирмоқчиман.

Агар дунёда иккита камгап одам бўлса, биттаси шу Обид тоғам эди. У кўрғонда, бувим билан бирга турарди. Бир неча йил катта тоғам Ғани ака ҳам оиласи билан шу кўрғонда турган. Кейин Вревскийдан жой қилиб, кўчиб кетган. Катта кўрғонда бувим, кичик тоғам, яъни Обид тоғам ва унинг оиласи қолишган.

Урушдан у орден билан қайтди. Ҳозир эсимда йўқ. «Кизил юлдуз»миди, ё жанговар «Қизил Байроқ»миди? Икки-уч кун, то граждaн кийимига ўтгу-

нича орденни тақиб юрди. Граждaнча кийингандан кейин бир марта ҳам у шу орденини таққанини кўрганим йўқ. Тоғам ўта камтар, юмшоқ табиатли, мўйин одам эди. Унинг биров билан уришганини, бировни болаҳонадор қилиб сўққанини билмайман.

Шундай одамнинг фронтдан жанговар орден билан қайтгани мени жуда қизиқтирарди. Бир куни сўрадим. Оғзининг ҳар доимгидек бир чети билан жилмайиб, айтиб берди.

— Бизнинг қисм ўрмон ичида турган эди. Ҳужумга ўтамизми, ё шу ердан мудофаа чегараси бошланадими, ҳеч ким билмасди. Лекин ҳар куни машқ қилардик. Найзабозликни ўргатишарди. Граната отишдан жуда кўп машғулот ўтказишарди. Шундан биз солдатлар яқин орада ҳужумга ўтсак керак, деб хулоса чиқариб қўйган эдик. Ўрмонга ўрганмаган одамга ўн-ўн беш кун эртадан-кечгача дарахтдан бошқа нарсани кўрмаслик қийин бўлар экан. Мен билан тўрттами-бешта козоқ, туркман йигитлари бор эди, жуда эзилиб кетдик. Бунинг устига, ўрмоннинг чивинига чидаб бўлмайди. Гимнастёркангнги ҳам тешиб ўтиб қакади. Мен қашийверганимдан қақа бўлмаган жойим қолмади. Хуллас, шундоқ кунларнинг бирيدا немис снайперлари пайдо бўлганмиш, деган гап чиқиб қолди. Тўсатдан, уруш бошланмасидан кўкрагидан ўқ тегиб ўладиганлар кўпайиб кетди. Батальон командири икки марта бештадан-бештадан отряд тузиб, ўрмонни айлиниб чиқишни, ўша аблаҳ снайперларни тутиб келишни топширди. Икки отряд икки кун деганда, тўртта одамани йўқотиб, куп-куруқ қайтиб келди.

Командирнинг жаҳли чиқиб кетди. Ўзи борадиган бўлди. Яна беш кишини қўшиб олди. Мен ҳам бор эдим шулар орасида. Ярим кун юриб, ўрмоннинг немислар ҳужум қилиши мумкин бўлган томонига чиқдик. Ҳаммаёқ жим-жит. Ҳеч ким кўринмайди. Қайтдик. Арчага ўшаб қорайиб турган бир дарахт тагида капитаннинг бошидан шапкаси учиб кетди, шундай ёнидан ўқ «виз» этиб ўтганини эшитдим.

(Давоми келгуси сонда)

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Мамлакатимизда ҳайдовчилик гувоҳномасини олишнинг аниқ ва шаффоф тизими йўлга қўйилган. Унга кўра, фуқаро дастлаб махсус лицензияга эга бўлган автомақтабларда назарий ва амалий машғултларни ўташи, тиббий кўрикдан ўтиб, соғлом эканлигини исботлаши шарт. Шундан сўнг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати-нинг замонавий имтиҳон марказларида инсон омилидан холи, тўлиқ автоматлаштирилган назарий (тест) ва амалий (автодром) имтиҳонларини муваффақиятли топширган шахслар ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлади.

Бироқ ҳаётда бу жараёни қонуний тартибда эмас, аксинча, эгри йўл билан айланиб ўтишга уринадиган кимсалар ҳам учраб туради.

Хусусан, Баҳром Сариевнинг (исм-шарифлар ўзгартирилган) жиноий қилмишлари бу фикримизга мисол бўлади.

Иштихон туманида туғилган, олий маълумотли, 5 нафар фарзанднинг отаси Б.Сариев ўтмишига ҳам ҳавас қилиб бўлмайди. Нега деганда, у муқаддам фирибгарлик жиноятини содир этгани учун бир эмас, етти маротаба жиноий жавобгарликка тортилган. Аммо афсусланарли томони шундаки, у жиноий қилмишларидан тўғри хулоса чиқаришни хаёлига ҳам келтирмаган. Бу сафара фирибгар бу кимса, гўёки «Ватанпарвар» ташкилоти Иштихон тумани ўқув спорт техника клуби ходими

сифатида ўзини таништи-риб, содда одамларни ишонтирган. Аниқроқ айтганда, одамларни ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб бераман дея алдаб, уларнинг катта

учун) 1 минг 200 АҚШ доллар-и, Р.Нурмуродовнинг 1 минг 500 АҚШ доллар-и, Ж.Алимовнинг 600 АҚШ доллар-и, Д.Нурмуродовнинг 800 АҚШ доллар-и миқдоридаги ма-

қисқа, фош бўлмасдан қолмайди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Кутавериб, тоқати тоқ бўлган фуқаролар алданганликларини тушуниб етишгач, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи



миқдордаги маблағини қўлга киритган. Жумладан, С.Зафаровнинг «В» ва «А» тоифали гувоҳномалар ваъда қилиб, 100 АҚШ доллар-и ва 3 миллион сўм маблағини, А.Арабовнинг «Б, С» тоифали ҳайдовчилик гувоҳномаси ва сертификат ваъда қилиб, жами 7 миллион сўм маблағини, И.Мамараимовнинг Жиззах вилояти орқали гувоҳнома чиқариб беришни айтиб, 600 АҚШ доллар-и ва 6 миллион сўм (автомактаб тўлови билан бирга) пулини, А.Зухриддиновнинг (босиб З.Худойқулов орқали) 250 АҚШ доллар-и, М.Мама-новнинг 200 АҚШ доллар-и, Р.Илҳомовнинг (ўзи ва укаси

благини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Урни келганда шуни айтиш керакки, фирибгарликнинг хавфли томони шундаки, алдов ҳар доим ҳам очиқ кўринишда бўлмайди. Б.Сариев ҳам жабрланувчиларда шубҳа уйғонмаслиги учун ҳеч кимнинг хаёлига келмаган алдов усуллари қўллаган. Жабрланувчиларни автомашиналарни бошқаришни ўргатиш майдончаларига олиб бориб, хусусий машиналарда ҳайдатиб кўрсатган. Бу билан у ўзини, ҳақиқатан ҳам, ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш жараёнига алоқадор шахс сифатида кўрсатишга уринган. Аммо ёлғоннинг умри

идорага мурожаат қилишди. Шундан сўнг фирибгар Б.Сариевга нисбатан жиноият иши қўзғатилди.

Бу жиноят ишини очиқ суд мажлисида қўриб чиқиш жараёнида судланувчи ўз айби-га тўлиқ иқроорлик билдирди, бирор-бир давлат ходимига пора бериш нияти бўлмаганини тан олди ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, суддан енгиллик беришларни сўради.

Суднинг ҳукмига кўра, Б.Сариев Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми «б» бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилди ва жиноят ишлари бўйича Нар-

пай туман судининг 2025 йил 10 декабрдаги ҳукми билан тайинланган жазолар қисман қўшилган ҳолда, узил-кесил 5 йил 4 ой муддатга озодликдан махрум қилиш ҳамда 93 миллион 750 минг сўм жарима жазоси тайинланди. Шунингдек, суд ҳукми билан Б.Сариевдан жабрланувчилар фойдасига моддий зарарлар ундирилиши ҳам белгиланди.

Албатта, фирибгар Б.Сариев қилмишига яраша қонуний жазо олди. Аммо бу жиноий қилмишнинг рўй беришида жабрланувчиларнинг ҳам айби йўқ деб бўлмайди. Агар жабрланувчилар ҳайдовчилик гувоҳномасини фақат қонуний тартибда олишга ҳаракат қилишганда, табиийки, фирибгарнинг тузоғига тушишмасди.

Ахир, мамлакатимизда ҳайдовчилик гувоҳномаси олишнинг энг замонавий, шаффоф тизими йўлга қўйилган ҳозирги кунда бировнинг ёрдамига кўз тикиш қалтабикликдан бошқа нарса эмас.

Қиссадан ҳисса шуки, алдов йўли билан фуқароларнинг ишончига кирган судланувчига нисбатан содир этган жинояти учун жазонинг муқаррарлиги таъминланди, у суд ҳукми билан темир панжара ортига равона бўлди.

Ўйлаймизки, бу бошқалар учун сабоқ бўлади.

Жонибек РАУПОВ,
жyнoят ишлари бўйича
Иштихон тумани
суды раиси
Абдуҳамид
ХУДОЙБЕРДИЕВ,
“Куч – адолатда” мухбири

/// Мулоқот

Савол беринг,
жавоб берамиз

— *Айтинг-чи, судга мурожаат қилишда даъво мuddатининг бузилиши қандай оқибатларга олиб келади? Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз?*

Д. ТОҲИРОВ,
Ургачч шахри

— Қонунда белгиланганидек, даъво мuddати — шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво кўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган мuddат ҳисобланади.

Фуқаролик кодексининг 150-моддасига кўра, умумий даъво мuddати уч йил этиб белгиланган.

Шу билан биргаликда, айрим турдаги талаблар учун қонунчиликда умумий даъво мuddатига қараганда қисқартирилган ёки узайтирилган махсус даъво мuddатлари белгиланиши мумкин.

Даъво мuddати шахс ўзининг ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан ўта бошлайди. Муайян ижро мuddатига эга бўлган мажбуриятлар бўйича эса, даъво мuddати ижро мuddати тамом бўлгандан кейин ўта бошлайди.

Ижро этиш мuddати белгиланмаган ёки талаб қилиш пайти ижро этиш мuddати билан белгиланган мажбуриятлар бўйича даъво мuddати кредитorda мажбуриятни бажариш тўғрисида талаб қўйиш ҳуқуқи пайдо бўлган вақтдан ўта бошлайди.

Бордию, қарздорга бундай талабни бажариш учун имтиёзли мuddат берилса, даъво мuddати имтиёзли мuddат тамом бўлгандан кейин ҳисоблана бошлайди. Регресс мажбуриятлар бўйича даъво мuddати асосий мажбурият бажарилган пайтдан ўта бошлайди.

Бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш талаби даъво мuddатининг ўтганлигидан қатъи назар, судда қўриб чиқиш учун қабул қилинади. Даъво мuddати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўлланилади. Аммо шуни билиш керакки, қўлланиш тўғрисида низодаги тараф баён қилган даъво мuddатининг ўтиши суднинг даъвони рад этиш ҳақида қарор чиқариши учун асос бўлади.

Даъво мuddатининг ўтиши агар даъво кўзғатилиши учун муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган фавқулодда ҳодиса тўсқинлик қилган бўлса, ҳуқуқлар томонидан мажбуриятларни бажариш кечиктирилса, даъвогар ёки жавобгар ҳарбий ҳолатга ўтказилган Қуrolли Кучлар, чегара қўшинлари ва ички қўшинлар таркибида бўлса, муомалага лаёқатсиз шахснинг қонуний вакиллари бўлмаса, тегишли муносабатни тартибга солуви қонунчилик ҳужжатининг амал қилиши тўхтатилган бўлса, медицина тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисида ушбу ҳолатлар даъво мuddатининг охириги олти ойида, бу мuddат олти ойдан кам бўлса, даъво мuddа-

тида вужудга келган ёки давом этиб турган бўлса, даъво мuddатининг ўтиши тўхтатилади.

Мuddатнинг тўхтатиб турилишига асос бўлган ҳолат барҳам топган кундан бошлаб, даъво мuddатининг ўтиши давом этади, бунда мuddатнинг қолган қисми олти ойгача, даъво мuddати олти ойдан кам бўлса, даъво мuddати қадар узайтирилади.

Даъво мuddатининг ўтиши белгиланган тартибда даъво кўзғатилиши билан, шунингдек, мажбур шахс қарзни тан олганлигини кўрсатувчи ҳаракатларни қилиши билан узлади, узилишгача ўтган вақт эса, янги мuddатга қўшилмайди.

Агар даъво суд томонидан кўрмасдан қолдирилган бўлса, даъво кўзғатилганга қадар ўта бошлаган мuddат умумий тартибда давом этади.

Агар жиноят иши бўйича кўзғатилган даъво суд томонидан кўрмасдан қолдирилган бўлса, даъво кўзғатилгунга қадар ўта бошлаган мuddат даъвони кўрмасдан қолдирган ҳукм қонуний кучга киргунича тўхтатиб турилади, даъво мuddати тўхтатиб турилган вақт даъво мuddатига қўшилмайди. Бунда мuddатнинг қолган қисми олти ойдан кам бўлса, у олти ойгача узайтирилади.

Башарти, суд даъво мuddатининг ўтказиб юборилганлиги сабабини узрали деб топса, бузилган ҳуқуқ ҳимоя қилиниши керак. Даъво мuddатини ўтказиб юбориш сабаблари даъво мuddатининг охириги олти ойида, бу мuddат олти ойга тенг ёки олти ойдан кам бўлса, даъво мuddатида юз берган бўлса, улар ушбу деб ҳисобланиши мумкин.

Амалдаги қонунчиликда даъво мuddати жорий қилинмайдиган талаблар белгиланган бўлиб, жумладан, шахсий номлуқий ҳуқуқларни ва бошқа номоддий бойликларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талабларга, омонатчиларнинг ўз омонатларини бериш тўғрисида банкка қўядиган талабларига, фуқаронинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга, жиноят туфайли етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга, мамлакат мустақиллигини улон қилинишидан олдин эълон чегаралардан ташқарига олиб чиқиб кетилган тарихий, маданий ва илмий-бадий қийматга эга бўлган мол-мулкни ҳамда бошқа қимматбаҳо объектларни қайтариб бериш ҳақидаги талабларга қўлланилмайди.

Саволга фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро суди судьяси Элнора Баллиева жавоб берди.

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Олий судиБош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам билан
рўйхатдан ўтган.



ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Алишер УСМАНОВ
Акрам ШУКУРОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ
Маликахон ҚАЛАНДАРОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ
Жамшид САДИНОВ
Муродулло ҚОДИРОВ
Замира ЭСАНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Сахифаловчи:

Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллими: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота
кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatla@mail.ru
Нашр индекси: яқка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-715 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 3000
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 20⁰⁰. Топширилди: 21⁴⁵.